



Савол:

Конфискация (мусодара) қилиб олинган молларни кўп жойларда арзон қилиб сотиляпти. Шу нарсаларни сотиб олиш қандай? Базилар: “ўзимиздан олиб қўйилганга ўхшаган нарсаларни олишимиз қанақа бўлади?” — деб сўрашяпти.

Жавоб:

Бу молларни олмаган яхши чунки, бу уларга ёрдам бўлади.

Аллоҳ таоло Моида сурасида шундай дейди **«(Эй мўминлар) сизлар яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва хаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Шубҳасиз Аллоҳнинг азоби қаттиқдир»**. (Моида : 2) Ибн Касир бу оят тафсирида «Гуноҳ, ҳаром ва ботил ишларга ёрдам бериш» дедилар.

Баъзиларга келсак, агар худди ўзиникига ўхшаган молни топса у мол ўзиники эканлиги билмаса ҳам олса бўлаверади инша Аллоҳ, чунки бу ҳақнинг эгасига қайтишидир. Агар қўлимиздан келса моли олинган одамларга уларнинг молларини сотиб олиб ёрдам қилсак яхши бўлади. Тушунарли бўлгандир, у одам билан бирга бориб унинг молларини унинг пулига олишиб берамиз.